
ФАРҒОНАДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Марғилон шаҳар 2-сон касб-ҳунар мактабида 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан байрам тадбири ташкилланди. Унга вилоятдаги барча профессионал таълим муассасалари - касб-ҳунар мактаблари, техникум ва коллежлар раҳбарлари, фидойи ўқитувчилар, касб таълими усталари таклиф этилди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани, ёш авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилаётганини таъкидлашди.

Шунингдек, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири буйруғига асосан Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасида фидокорона фаолият юритиб, ёшларнинг сифатли таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашидаги самарали меҳнати, тизим ривожини учун қўшган муносиб ҳиссасини учун “Ўрта махсус ва профессионал таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган вилоятдаги бир гуруҳ соҳа фидойиларига кўкрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Тадбирда соҳада кўп йиллар меҳнат қилган фахрий устозларга эҳтиром кўрсатилиб, совғалар тақдим қилинди. Фаолиятда ўрнатилган кўрсаткичлар вазириликнинг “Фахрий ёрлик”лари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири дилтортар куй-қўшиқлар, шўх рақслар билан давом этди.
2023-09-30 10:26:22